

# **Доимий комиссиясининг навбатдаги йиғилиши ўтказилди.**

Халқ депутатлари Узун туман Кенгашининг “Маҳаллий бюджет, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, туризм, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари” бўйича доимий комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Бугунги йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021-йил 3-декабрда “Маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ҳоким ёрдамчилари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-31-сон қарорида берилган топшириқлар ижросини таъминлаш, соҳада амалга оширилган ишлар юзасидан Узун тумани Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш марказининг маъсул ходими Н.Бердиевнинг ҳисоботи муҳокама қилинди.





